

## Ўзбекистон Президенти Татаристон раҳбарини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихоновни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар хамда жорий йил апрель ойидаги Россияга давлат ташрифи доирасида имзоланган икки мамлакат худудлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги хукуматлараро битимга мувофиқ Татаристон ва Россия Федерациясининг бошқа субъектлари билан алоқалар фаоллашиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мавжуд улкан салоҳияти, анъанавий яқин ҳамкорлик ва кўп асрлик маданий-тарихий алоқалар кўп қиррали ўзаро шерикликни тубдан кенгайтириш учун ишончли пойdevор яратаБтгани қайд этилди.

Учрашувда амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни аниқ мазмун билан бойитишга доир масалалар батафсил кўриб чиқилди.



Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, нефть-газ, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик, машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, ахборот технологиялари соҳаси ва бошқа йўналишларда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим, илм-фан, соғлиқни саклаш, маданий-гуманитар алмашув ва сайёҳлик соҳаларидағи алоқаларни фаоллаштириш ва қўшма дастурларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Татаристон Президенти Рустам Миннихонов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

[president.uz](http://president.uz)